

ОРДЕН МУБОРАК!

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ МАШЪАЛ ХЎЖАЛИГИ—„ЎЗБЕКИСТОН ССР БЕШ ЙИЛИГИ“ СОВХОЗИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАНДИ



Суратларда: (чапда, ўртада) совхоз директори, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты З. Махсумов бир гуруҳа механизаторлар билан суҳбатлашмоқда. (Ўртада) совхознинг фахрли кишилари — Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Қурбонали ота Эрматов (ўнгдан), Шермат ота Хидиралиев ва Мустафо Чачи ўртоқлар ўз тажрибаларини ўртоқлашмоқдалар.



СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш планларини бажариш, мелiorация ишларини ўтказиш соҳасида эришилган муваффақиятлар, илмий тадқиқотларни ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига жорий қилганлик учун СССР Олий Совети Президиуми илғор колхозлар, совхозлар, паррандчилик фабрикалари, насликлик заводлари, ўрмон ва сув хўжалиги ташкилотлари, «Сельхозтехника» ва тайёрлов органлари корхоналари ва ташкилотлари, лойиҳалаш, қурилиш ва илмий-тадқиқот ташкилотларини СССР орденлари билан мукофотлади.

Республикаимизнинг бир неча колхоз ва совхозлари, илмий-тадқиқот институти ва заводлари ҳам мукофотландилар. Шу жумладан Тошкент области, Оққўрғон районидан «Ўзбекистон ССР беш йилги» совхоз Ленин ордени билан, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрига қарашли қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш ўрта Осиё илмий тадқиқот институти, СССР мелiorация ва сув хўжалиги министрига қарашли «Сельхозтехника» совхозларидан қарашли «Среднегипроводлопок» давлат лойиҳалаш-қидириш ва илмий тадқиқот институти ва «Сельхозтехника» Тошкент области бирлашмасининг Қўйлик ремонт-механика заводи Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотландилар.

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 104 (3586). — Шанба, 27 май 1967 йил | Баҳоси 2 тийин.

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР МАКТАБИ

ТАРИХ ҲИКОЯСИ

Минг тўққиз юз ўттинчи йиллар. Қамиш тўқайлари, қора батқоқ ерлар, арава гудчагидан лойга ботган йуллар, омон, отсуқа... Биринчи жумлаларда шулар баён қилинади. Гуваляк деворли, томига қиёқ, қамиш босилган ластқам гуялар. Кун бўйи, тун бўйи чини гуяллайди. Чунки одамлар келиб уларнинг тинчи бузилди, уяларига ўт кетди. Улар пешонасини тангитган, биланлари шимарилган, юзлари офтобда тандирдаги нон сингари буркиб қизарган нўрғул йиғиларнинг яланғоч елкаларига ёпишадилар. Одамлар эса елиниб, хашан тутатиб чиниларини қувийдилар. Қамишзорлар қоронғу содиб турган ерларни текислаб нур талаб даладар юзюни қуёшга рўпара қиладилар. Қора туяроқ пайкаллар эса ёруғликка чиқарган деҳқонга табассум, билан боқди.

Қамиш ва қиёқ тўқайлари билан олишув, кураш бошланган ўттинчи йилларда бу ерларга икки пахтадон келиб қапа тикиди. Бирини Қувалдан, иккинчиси Фарғонадан эди. Улар бир-бирлари билан шу ерда танишди. Ўттиз-ўттизга беш ёшлардаги йигит рўпарасидаги кишига қўл чўзарман:

— Қурбонали деб чачирсангиз бизни, поллон деб чачирсангиз ҳам бўлаверадим, — деди. Униси эса:

— Отамиз бизни Шермат деб атаганлар, полволикка даъво қилмасак ҳам, лекин ҳали едкамиз эрга теккан эмас, — деди.

Бир-бирларига қараб қулиб қўйишди. Қурбонали бироз ҳижолат чекди:

— Мен курашмоқ ниятида поллон деганим йўқ, полволикимизни мана шу қамишзорлар билан курашда кўрсатамиз, — деди.

— Ҳа, отангизга раҳмат, поллон, — деди у, — ундай бўлса узр. Бўпти бу курашда беллашганимиз бўлсин.

Шу гап-сўзларнинг бўлиб ўтганига мана ўттиз беш йилдан кўпроқ вақт бўлди. Ҳар елкасида иккитадан йигит ўтирадиган, қамиш тўқайи билан курашга дадил отланган ва бу курашда гўлиб қиқкаш ушла Қурбонали полвои Эрматов ҳозир олтинчи беш йилда, Шермат полвои Хидиралиев эса саксон олти баҳорини ўтказаяпти.

Булларнинг иккаловини ҳам бу жойларга колхоз—совхоз бўлган йили келишган эди. Бугунги кунда ўқиб билимдон бўлган, бари

лар уя қуриб ётганлигини ҳижоқ қилар эди. Инсон қудрати, ақл-заковати ҳамма нарсадан ҳам қудратли эканлигини, шунинг учун қамишзор ўрнида пахтазор бўлиб кетганини мароқ билан сўзлайди.

Шу икки биланинг тарихи совхоз тарихи билан чамбарчас боғлиқ.

Қурбонали полвои Эрматов сўзлайди.

— Ўттизичи йиллар эди. Тўқайлар орасидан очилган ерларга чигит экилганда. Кузла хирмон кўтардик. Гектарига 3 центнердан саз кўпроқ пахта олган эканмиз, ушанда. Бугунги ишимиз, олаётган ҳосилимиз олдида у вақтдаги ишимиз ҳам, йиғиб олган пахтамиз ҳам деғиздан томчи бўлиб қўринадим. Қайси кунги совхоз идорасида гаплашиб қолдик, ўттизичи йилдаги қараганда ҳозирги ҳосилдорлигимиз ўн баравар ошиб кетди.

— Меҳнатимизни ўшанда партиа ва ҳукуматимиз юксак мукофот билан тақдирлади, — дейди Шермат ота Хидиралиев, — кўсиқдаги Олтин Юлдуз медалига ишора қилар экан.

Бугунги кунда совхознинг баҳорид механизаторлари, уста пахтакорлари, ишчан ва ташинотчи раҳбарлари етишиб чикди. Республикага ўз меҳнати билан доғ таратган Мустафо Чачи шу совхозда йирик бўлимга бошчилик қилади. У раҳбарлик қилётган бўлим 1140 гектар ерга чигит экади. Ўтган йили бўлим ишчилари пландаги 32,6 ўринга 33 центнердан пахта топиришди. Ҳосилнинг 83 проценти машиналарда териб олинди. Айни теримнинг қизгин кунларида 42 «зангори кема» ишлади. Мутал Ёқубов, Чачи Субхи, Халил Топболтаев, Метаз Давлатов каби механизаторлар ўтган йили 100-120 тоннадан пахта тердилар.

Мустафо Чачи бошқарувчи бўлган бўлимда Шермат отанинг катта бўли Собир Хидиралиев агроном бўлиб ишлайди. Совхознинг ҳамма ерларини қафтида тургандек биладиган Шермат ота Хидиралиев агроном ўтган йили ернинг феъли қанақа, ҳаммаша тушунтирди, ўргатади, у билан тиллашни йўллари кўрсатади. Шермат ота ўзининг чаманзор боғига 83 кунлари ҳамқишлоқларини тез-тез тақийб қилиб туради. Ёшларга бу боғлар ўрни илгари ташландиқ тепа бўлганлигини, бўри

КАМОЛОТ ЙУЛИ

Ҳозирги замоннинг қудратли техникаси билан қуролланган совхоз деҳқонлари, боғбонлари, соҳибдорлари, чорвадорлари оялар ва йиллар ўтган сайин юксак камолотга эришиб бормоқдалар.

Деҳқончилик маданиятининг юксалиши, дала ва ферма ишларини комплекс механизациялаштириш даражасининг бекиёс ошаётгани хўжаликнинг ҳам, хўжалик меҳнатчиларини ҳам борган сари юксак марраларга етакламоқда. Айниқса совхознинг «оқ олтин» миришкорлари ўз зафарлари билан ҳаммага маълум ва машҳур бўлишди.

Совхоз пахтакорлари давлатга «оқ олтин» етказиб бериш бўйича ўтган етти йиллик планни олти йилда бажариб қўйган эдилар. Бу — ҳосилдорлигини бекиёс даражада ошириш, техника кучидан ижтимоий унумли фойдаланиш, илғор тажрибаларни кенг қўламда жорий этишнинг ёрқин самарасидир.

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми (1965 йил) ва партияимиз тарихий XXIII съездининг қарорларидан беҳад илҳомланган ва уни ҳайта татбиқ этиш учун жону-дилдан меҳнат қилишга бел боғлаган совхоз меҳнаткашлари янги беш йилликнинг тўнғич йилини ҳам қувончли зафарлар билан

қувончли зафарлар билан

яқунлашга муваффақ бўлдилар. Қишлоқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича берилган топириқ ошини билан адо этилди. Айниқса пахтачилик соҳасида катта муваффақиятларга эришилди. Она-Ватан омборларига 12400 тоннадан ортиқ аёло сифатли «оқ олтин» армуғон этилди. Бу совхоз тарихида ҳали мисли кўрилмаган ҳосил эди. Мавжуд 4042 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 28,2 центнер ўринга 30,7 центнердан хирмон кўтирилди.

Ҳаммадан ҳам шуниси қувончлик, ҳар бир киши-қуни ҳисобига ўртача 48 килограммдан пахта етиштирилди. 1956 йилда эса атриси 19 килограммдан етиштирилган эди. Ҳар бир центнер пахтаининг таънари 1959 йилда 23 сўм 45 тийинни ташкил этган бўлса, ўтган йили 19 сўм 92 тийинга түрри келди. 1958 йилда совхоз ишчилари эвазига 1 сўм 78 тийиндан ҳақ тўланган бўлса, бултур 4 сўм 32 тийиндан тўланди. Совхоз ишлаб чиқаришининг рентабеллиги даражаси 36 процентдан ошиб кетди.

Меҳнат унумдорлиги пахтачиликда кейинги саккиз йил ичида икки ярим баравар ортди. Бу юқорида келтирилган рақамлар хўжаликда комплекс механизация даражаси, деҳқончилик маданияти йил сайин юксалиб бораётганлигини кўрсатади.

Маълумки, пахта терими энг сермеҳнат ишлардан биридир. Совхоз деҳқонлари ана шу ишни бутунлай машиналар зиммасига юклаш йўлида йил сайин ташаббус кўрсатишга ва салмоқли натижаларга эришишгапти. Узоққа бор

масдан кейинги беш йилни олади-кан бўлса, совхоз бўйича машиналар билан 1962 йилда 7352 тонна пахта, ёки ялпи ҳосилнинг 59 проценти териб олинган бўлса, ўтган йили 10 минг 125 тонна ёки ялпи ҳосилнинг 81,5 проценти териб олинди.

ФИДОКОР КИШИЛАР

Совхозни шунчалар юксаликка кўтарайтган, унинг доғруғини довои оширайтган — экинчи кишилар, ватанпарвар, олинхўмат, қалби олов, билган куч-қувватга тўлиб-тошган, кун сайин гайратга-гайрат кўшаётган, ташаббус кетидан ташаббус кўтариб чиқаётган азамат кишилардир.

Бугунги қувончли дамларда совхознинг етакчилари бўлишми ветеран-қаҳрамонлардан Шермат ота Хидиралиев, Қурбонали ота Эрматов, Федор Феоктистович Измайлов, Мустафо Чачи, хўжалик директори, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты Зокрином Махсумов, республикада хизмат кўрсатган агроном, совхоз бош агрономи Василий Петрович Бакулин, республикада хизмат кўрсатган механизатор, совхоз бош инженер Жўра Ҳайдаров, партия ташкилотининг секретари Ҳалима Гафурова, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган пахтакор Анифа Альчинова, инженер-ирригатор Иван Васильевич Басанец, агроном-химизатор Семён Ан ва бошқа кўплаб ўртоқларнинг табарруқ номларини чексиз ҳурмат ила тила оламиз.

Ўз меҳнатлари билан эл оғзига тушган пешкадаларнинг таърифини тавсиф этишга сўз ҳазинасининг дурдоналари камлик қилади. Республикада хизмат кўрсатган механизатор — совхознинг энг пешкадаман эвено бошлиқларидан бири Ридван Чини танимайдиган одам республикаимизда намдан-кам топилади. Ридван бошлиқ эвено пахтакорлари она-Ватанга 57 гектар ердан 187 тонна пахта етказиб беришди. Гектар бошига кўтаришган хирмон қарийб 33 центнерни ташкил этди. Бир центнер пахта етиштириш учун планда белгиланган 20 сўм 26 тийин ўринга атиги 17 сўм 39 тийин сарфланди.

Совхозда Ридван Чинига ўхшаган аси пахтакор-механизаторлар кўп. Улардан бири Ақром Азизхўжаевдир. Унинг эвеносида бултур бир центнер пахта етиштириш учун пландаги 2,2 киши-қуни ўринга 1,4 киши-қуни сарфланди. Халил Топболтаев, Тўйчи Валиев, Тилиболди Қодиров, Абдувоҳид Муродов, Абдурашид Гафуров, Қўшқор Абдуқодиров, Сервер Женалиев, Тайфун Османов сингари бир қатор пешкадалар бошчилик қиладиган эвеноларда ҳосилдорлик ҳам, машина терими даражаси ҳам юксак бўлди. Бу механизаторларнинг ўзлари «зангори кема» бунерларидан эл хирмонга 140—160 тоннадан ва ундан ошириб «оқ олтин» тукишга муваффақ бўлишди.

Йирик пахтакор совхозда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари, жумладан чорвачилик ҳам йил сайин бекиёс юксалишга. Давлатга гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериш тобора ор

тиб бормоқда. Хўжаликнинг бу соҳасида ҳам ишнинг қуяни биланди, гайрат-шижоатини аямайдиган азамат кишилар меҳнат қилишгапти. Сут соғувчилардан А. Уста, А. Никитина, Г. Доғли, бузоқбоқар М. Михайлова, чўчкабоқар А. Қозтунова ва бошқа бир қанча ўртоқлар катта-катта ютуқларга эришишгапти.

ЮБИЛЕЙ МАРРАСИ

Ленин орденли «Ўзбекистон ССР беш йилги» совхозининг азамат меҳнаткашлари, Улуғ Октябрнинг ярим асрлик тўйига катта тўеналар билан боғишди дилларига жо қилиб, ўз зиммаларига ҳар наҳонгидан ҳам юксак социалистик мажбуриятлар олтишган. Хўжалик пахтакорлари бу йил давлатга пландаги 11400 тонна ўринга 13 минг тонна пахта етказиб беришга, ҳар гектар ердан пландаги 28 центнер ўринга 32 центнердан «оқ олтин» кўтаришга, «зангори кема»лар билан нам деганда 10 минг тонна пахтани териб олишга, таънари янада арзонлаштиришга, рентабеллиги даражасини оширишга, меҳнат унумдорлиги ва моддий манфаатдорлигини юксалтиришга қатъий аҳд қилдилар.

Уста деҳқонлар табиат ийиқ-ликларини энгиб, жамики пайналлардаги чигитни бир текис ундириб олишда ва ҳозир комплекс ишлов беришни қўлғилдагидек ўтказишгапти. Даладарда яшил ксадратлар кун сайин яшиноб борапти.

Совхознинг қайси қишлоғига борманг, ахши турмуш кеңираётганликларини қуриб қуянаси. Ҳамма уйларда радио ва телевизор бор. Аксарият хонадонлар газлаштирилган. Тўрта мактаб, шифохона, даволаш участкалари, клуб, ёғи ва кишини кинотеатрлар, спорт майдонлари ва бошқа қулайликлар совхоз меҳнаткашларининг хизматида.

Совхоз Бутуниттифок халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг бир неча дипломлари билан тақдирланган. Хўжаликнинг кўплаб ишчи ва хизматчилари ҳукумат орден ва медаллари билан таънариланган. Ленин ордени муборак, «азиз дўстлар! Сизларга янги зафарлар ёр бўлсин!

С. МАҲКАМОВ,
Ш. ШОРАХМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.

ЙИЛЛАР РАМЗИ Юсуфжон ҲАМДАМ

(ҚАДРДОНЛАРНИ ОЛҚИШЛАБ)

Табриқка чамандан сўз тавлар чоғи Юрак сатрларим қилдим мужассам. Онахон элимнинг гулгуи боғида Дўстлар табриғига шерикман мен ҳам. Тўқилган эй Чирчик, урил қирғоққа Юракдай тоғшуси шодлигини сени. Заррин қатрларинг ерга малҳамдир Илҳом бўлоғига тўлдирдинг мени. Ўйдош отамизнинг табарруқ нани Босилган ерларда чаманзор — янги. Меҳри тутушганлар, дўстлар дилида Жаранглаб турбиди, меҳри оҳанги. Йиллар тарихига ташласам назар Азамат хўжалик зафар-жони кенг; Қирқ йилга яқинки, ҳар даққаси

Мазмунга бойиди олтинларга тенг. Қадим тўқайзорлар гулистон бўлди Қурбоналиларнинг манглай теридан. Техника деҳқонга қўш қанот бўлди. Шул учун гул унди совхознинг еридан. Ахмаджон пахлавои қилганда меҳнат Бу дўстлик макони, дўстлик гулзори — Ўлмада машъалдай яринроқ бўстон. Кездин далалари, катта гулбоғини Машина терими хирмон қилди тоғ «Оқ олтин» дилери бу совхозимизда Дўстларга ҳаммаша очинди қучоғ. Мустафо Чачининг дўстлик уйида, Олтин даласида бўлганман меҳмон

Қарошлик туйғуси тоза қалбда Бу ерда ёш-қари бир тану бир жоп. Савинчи ошаркан, дилдан тошкаркан Эртанги умиллар ёзда қанот. Бу чаманзорлар коммунизмнинг — Гузал гулбоғидай ҳаммаша обод. Янағи офаринлар, орден муборак, Сизни олқийлайди бутун мамлакат Сизга бир умр зафар ёр бўлсин Кучоқ очмоқликка келганда навабат. Табриқка чамандан сўз тавлар чоғи Юрак сатрларини қилдим мужассам Онахон элимнинг гулгуи боғида Дўстлар табриғига шерикман мен ҳам.



Совхоз посёлкаси ана шундай гузал.

А. Абалин фотолари.

